

Файласуф олимларнинг интуицияга оид қарашларидаги уйғунлик


Надирова З.П.*

Бизга маълумки, интуиция – чин билимларни ҳосил қилишнинг ўзига хос йўли, билишнинг мураккаб феномени ҳисобланади. Фанда узоқ давр интуитив билишнинг механизми маълум бўлмай келди. Шу сабабли интуиция ҳақидаги ҳар қил қарашлар, ёндошишлар, назариялар пайдо бўлди. Мазкур ишда биз интуиция борасидаги қарашларни илмий фалсафий таҳлил қилган ҳолда, улардаги муштараклигини, уйғунликни Абу Али Ибн Сино, Иоганн Фихте ва Анре Бергсон фалсафасидаги кўриб ўтамыз.

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино (980-1037) фалсафани амалий ва назарий қисмлардан иборат деб ҳисоблайди. У борлиқ, билиш, ахлоқ одоб, ижтимоий сиёсий муаммоларга, мантиқ масалаларига катта қизиқиш билан қараган. Ибн Сино ўзининг табиий-илмий қарашларида жисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир бирига таъсири тушунчалари ҳақида баҳс юритади. Унинг фикрича, воқеликни маънавий ўзлаштириш инсон зотида хос, Аллоҳ унга ақл инъом этган. Айтиш жоизки, Ибн Синонинг билиш назарияси ақлийликка мантиқийликка асосланади. Ибн Сино учун ақлий билишнинг қуроли мантиқ ҳисобланади. “Мантиқ фани воситасида инсон билмаган нарсасини олдин билиб олган нарсаси орқали билиб боради, тўғри тафаккур юритиш кўникмаларини ҳосил қилади.”(1.78) ”Бизнинг назаримизда ҳам айнан шундай, мантиқ барча илмларнинг умумий методологияси, услуби бўлиши билан бирга у ҳақиқатни, яъни, билиш жараёнининг оддийдан мураккабликка қараб борувчи объектив оламни англаш учун имкон яратади.


* *Надирова З.П.* —ТДПУ. Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Ибн Сино интуиция тушунчасини метафизика билан боғлайди: “Метафизика бу табиатдан юқори турувчи моҳиятни ўрганадиган илоҳий илмдир” (2.70) Ибн Сино фикрича, билиш босқичлари уч шаклдан иборат: а) ҳиссий билиш; б) мантикий билиш; в) нубувват орқали билиш; (интуиция) Ибн Сино нубувват илмини “Илоҳ билан инсоннинг мулоқоти жараёни”(1.80) тарзида тушинади. Ибн Сино фикрича, барча билимларнинг мажмуи Худода нихон бўлганлиги учун, уни икки йўл орқали билиш мумкин; табиий йўл, яъни ҳиссийликдан ақлий билиш орқали биринчи сабабни инкор этиш; ғайри табиий йўл – илоҳдан ақлга ва ундан инсон сезги аъзоларига таъсир қиладиган билим. Ибн Сино назарда тутган нарсa, ҳиссийликдан интуитив билишга томон йўл ва аксинча, интуитив билишдан сезгилар воситасида ҳис қилиш йўли. Ибн Синонинг мазкур фикрларини қуйидаги чизма орқали ифодалашимиз мумкин:




Мазкур ифода орқали биз билиш жараёнининг тизимли ва яхлит ёндошувни кўришишимиз мумкин. Немис файласуфи Иоганн Фихтеда (1762-1814) ушбу ифода бир мунча ўзгачароқ тарзда қайд этилади. Фихте ўзининг бутун фалсафий фаолияти давомида амалий фалсафани тарғиб қилди. Фихте таълимотича, “танқидий фалсафанинг ибтидоси тафаккур қилувчи “Мен”дир”(3.96.) Ундан сезги ва тафаккурнинг бутун мазмунини аниқлаш мумкин. “Мен” учун икки томонлама – амалий ва назарий фаолият хос. Бу билан Фихте амалиёт тушунчасини ўзининг назарий тизимига киритади ҳамда назария ва амалиётнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиқади. Бу мулоҳаза субъект ва объектнинг, яъни объектив

борлиқнинг ўзаро алоқаси масаласига келиб тақалади. Фихте таълимотида объектив борлиқ фикрловчи “Мен” дан вужудга келган. Шунингдек, Фихте фалсафасида фан таълимида “Мен эмас”, - ҳиссий қабул қилинадиган нарсa, ўзининг яратувчилик фаолиятида “Умумий мен”, “ҳиссий Мен” ва “ҳиссий Мен эмас” га ажралади. Шунинг учун фан таълимининг учинчи асоси бу умумий “Мен” дир. Биринчи асос тезис бўлса, иккинчи асос антитезис, учинчи асос сентиздир. Фихте фалсафасида умумий “Мен” ғайриинсоний дунёвий рух ҳисобланади. Мазкур мулоҳазадан қуйидаги қиёсий таҳлилни келтирамиз:



Мазкур мулоҳазадан, биз билиш жараёнининг кетма кетлик, тизимли ёндошувни кўришимиз мумкин. Мазкур фикрни XIX аср охири француз файласуфи Анре Бергсон (1859-1941) ўз ижодини интуицияни ўрганишга бағишлади. У “Онгнинг бевосита маълумотлари” (1889) асарида давомийликни, яъни субъектнинг ҳақиқий, муайян вақтини ҳамда бу давомийликни англаб етувчи интеллектуал интуицияни ўрганиб, интуицияни давомийликни ёки янги шакллари мутассил ижод этишни англаб етиш усули сифатида онг ва ҳаёт ҳодисалари олдида ожиз бўлган билимнинг интеллектуал методларига қарши туради, деган фикрни илгари суради. (4.125) Бу асарда Бергсон мантиқийлик ва интуитивликни билишнинг махсус бир бирини тўлдирувчи воситаларидир, уларни умумий ижодий жараённинг бир бири билан боғлиқ томонлари сифатида тушуниш ва талқин қилиш лозимлигини таъкидлайди.(5.104-105). Бергсон интеллект ва интуицияни объектив воқелик ва билиш шакллари сифатида тасвирлайди. Бизнинг назаримизда, билиш жараёни унда босқичларнинг

кетма-кет жойлашиши ва давомийликда иштирок этишидир. Шунингдек, билиш босқичларида билиш жараёнининг инсон тафаккурида бир-бирини янги кўриниш сифатида (эскини бутунлай инкор этмаган ҳолда) инкор этади ва янгича ғояни яратади. “Интеллект янгиликни эскилик орқали қабул қилади, янгиликни эскилик билан алмаштиради.(6.89)” Мазкур схемада билиш жараёнининг яхлит, бир бутун тизим асосида акс этганлигини кўришимиз мумкин:



Бергсоннинг фикрича, интуиция ҳар қандай фалсафий қарашнинг асоси, у руҳий ҳолатлар йиғиндиси натижасида ҳақиқий реалликни юзага келтиради ва фалсафанинг асосий мазмунини ташкил этади. Интуиция – бу ҳаётнинг ижодий эволюцияси йўналишида ҳаракат қилувчи ва унинг моҳиятини тушуниб етувчи ижтимоийлашган инстинктдир (7.163-169) Бергсон фикрича, билишда интеллект етакчилик қилади, у атрофида тозаланган ва интуиция ҳолатигача кенгайтирилган инстинкт мавҳум туманликни ҳосил қилувчи “нурли ўзак” бўлиб қолади,- деган фикрни илгари суради. Бизнинг назаримизда мазкур уч тушунча, яъни инстинкт, интеллект, интуиция ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган, бир бирига таъсир кўрсатадиган ва бир бирининг шаклланишига имкон яратадиган жараёнлар ҳисобланади.

А.Бергсон интуицияни фалсафанинг вазифаси деб белгилайди: “Фалсафанинг вазифаси – вақти вақти билан ўз предметини ёритиб турувчи мана шу тарқатувчи интуицияларни ўзлаштиришдир.”(8.31) Бергсон интеллектни ҳаракат тушунчаси билан боғлиқ ҳолда талқин

қилади. Унинг фикрича, интеллект ҳаракат эҳтиёжидан келиб чиқади, интеллект бу ҳаракатдир. Бергсон интеллектуал билимга юқори баҳо бериб, булар интуитив билимга қўшимча бўлиши керак, деган фикрни илгари суради. Бергсон назарда тутган интеллект ва интуиция бир-бирини тўлдиради ва билиш жараёнини ижодиётга айлантиради. Бергсон фикрича, инсон – ижодий мавжудотдир, интуиция ижод руҳи. Бизнингча, интеллект ижоднинг жисми танаси бўлса, интуиция унинг руҳи, жони тимсолида акс этади. Шу боис, илмий ижод жараёнида олинган янги билимлар бу интуитив билиш қобилиятининг маҳсули ҳисобланади.

Интуиция борасидаги турли хил ёндошувлар мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин.

Биринчидан, Ибн Сино билиш жараёни тўғри тафаккур юритиш ҳақида фикр юритади ва унинг асосий қуролини олим мантиқ деб ҳисоблайди. Айни пайтда мантиқ билиш жараёнининг мезони ҳамдир, у ҳиссийликни инкор этмаган ҳолда, интуицияни ўзида акс эттирувчи феномен, деб баҳолашимиз мумкин.

Иккинчидан, Иоганн Фихтенинг интуитив қарашларида амалиёт ва назария, объект ва субъект тушунчаларининг диалектик муносабатларини таҳлил этишини ҳамда бу муносабатларда яхлитлитлик тизимлилик ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Учинчидан, Анре Бергсон интеллект ва интуиция, мантиқийлик ва интуитивликнинг бир бирига таъсири ҳақида сўз юритганда, интеллектни ҳаракат деб баҳолайди. Айни пайтда, И.Фихте интуицияни “ички ҳаракат” тарзида баён этган эди. Умуман олганда, интуиция борасидаги мазкур мулоҳазалар унда тизимлилик, ўзаро таъсирлар жараёнидаги ҳамкорлик, яхлитлик каби хусусиятлар мавжуд деган хулосага келамиз.

Адабиётлар руйхати:

1. Абу Али Ибн Сина. Избранные философские произведения. Душанбе.: «Дониш» 1980.
2. Абу Али Ибн Сина. Таржимаи ҳол. У. И. Каримов таҳрири остида. Тошкент 1980.
3. В.А.Канке. Философия. Исторический и систематический курс. – М; изд «Логос» 1999.
4. И.Саифназаров. Г.Никитченко, Б.Қосимов. Илмий ижод методологияси, “Янги аср авлоди” – Т.: 2004.
5. Алексеев П.В., Панин А.В. Хрестоматия по философии: Учебное пособие. Издание второе, переработанное и дополненное. – М.: «Проспект» 1998.
6. Бергсон А. Творческая эволюция. Материя и память. Минск. 1999.
7. Бергсон Анри. Здравый смысл и классическое образование// Вопросы философии. №1 1990.
8. Бергсон Анри. Два источника морали и религии. М.: Канон, 1994

Резюме

В данной статье приводятся некоторые взгляды философов Ибн Сина, И.Фихте и А Бергсона на проблему интуиции.

Summary

In given article happen to the some glances philosopher Ibn Sina, I.Fixte and A.Bergsona to problem of the intuitions.